

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАРИ
ТЎПЛАМИ**

**3-4-сон
(83-84)
2024 йил**

«Ўзбекистон Республикасининг Халқаро шартномалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига ва «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сонли қарорига мувофиқ «Ўзбекистон Республикаси Халқаро шартномалари тўплами»да Ўзбекистон Республикасининг кучга кирган халқаро шартномалари расман чоп этилади.

В соответствии со статьей 25 Закона Республики Узбекистан «О международных договорах Республики Узбекистан» и постановлением Президента Республики Узбекистан от 13 апреля 2018 года № ПП–3666 «Об организационных мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Министерства юстиции Республики Узбекистан» в «Сборнике международных договоров Республики Узбекистан» официально публикуются вступившие в силу международные договоры Республики Узбекистан.

МУНДАРИЖА — СОДЕРЖАНИЕ

**ИККИ ТОМОНЛАМА ШАРТНОМАЛАР —
ДВУСТОРОННИЕ ДОГОВОРЫ**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бирлашган Қироллик Интеллектуал мулк идораси ўртасида интеллектуал мулк ҳуқуқлари соҳаси бўйича ҳамкорлик тўғрисида Англашув меморандуми (Тошкент, 2024 йил 12 июль)	4
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Интеллектуал мулк бўйича федерал хизмати (Россия Федерацияси) ўртасида саноат мулкани муҳофаза қилиш бўйича ўзаро англашув ҳақида меморандум (Женева, 2024 йил 12 июль)	6
Меморандум между Министерством юстиции Республики Узбекистан и	

Федеральной службой по интеллектуальной собственности (Российская Федерация) о взаимопонимании в области охраны промышленной собственности (Женева, 12 июля 2024 года)	8
Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркия Республикаси Ҳукумати ўртасида Ўзбекистон Республикасида Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги фаолияти тўғрисида Битим (Анқара, 2017 йил 25 октябрь)	10
Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Тожикистон Республикаси Ҳукумати ўртасида 2018 йил 9 мартда имзоланган халқаро автомобиль қатнови тўғрисидаги Битимга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида Баённома (Душанбе, 2024 йил 18 апрель)	14
Протокол между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Республики Таджикистан о внесении изменений и дополнений в Соглашение о международном автомобильном сообщении от 9 марта 2018 года (Душанбе, 18 апреля 2024 года)	16
Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати ўртасида маданий бойликларни ўғирлаш, яширин қазииш ва ноқонуний олиб кириш ва олиб чиқишнинг олдини олиш тўғрисида Битим (Пекин, 2024 йил 24 январь)	18
Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қозоғистон Республикаси Ҳукумати ўртасида экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида Битим (Тошкент, 2022 йил 22 декабрь)	31
Соглашение между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Республики Казахстан о сотрудничестве в области экологии и охраны окружающей среды (Ташкент, 22 декабря 2022 года)	35
Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Тожикистон Республикаси Ҳукумати ўртасида давлат чегараларидан ўтказиш пунктлари тўғрисидаги Битимга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида Баённома (Душанбе, 2024 йил 18 апрель)	39
Протокол между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Республики Таджикистан о внесении изменений и дополнения в Соглашение о пунктах пропуска через государственную границу (Душанбе, 18 апреля 2024 года)	41
O'zbekiston Respublikasi Hukumati bilan Belarus Respublikasi Hukumati o'rtasida tovarlarning kelib chiqishini sertifikatlashtirishning elektron tizimlarini o'zaro qo'llash to'g'risida Bitim (Toshkent, 2024-yil 8-fevral)	43
Соглашение между Правительством Республики Узбекистан и Прави-	

тельством Республики Беларусь о взаимном применении электронных систем сертификации происхождения товаров (Ташкент, 8 февраля 2024 года) 49

ИККИ ТОМОНЛАМА ШАРТНОМАЛАР — ДВУСТОРОННИЕ ДОГОВОРЫ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Бирлашган Қироллик Интеллектуал мулк идораси ўртасида интеллектуал мулк ҳуқуқлари соҳаси бўйича ҳамкорлик тўғрисида АНГЛАШУВ МЕМОРАНДУМИ

Тошкент, 2024 йил 12 июль

(Ўзбекистон Республикаси учун 2024 йил 12 июлдан
кучга кирган)

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Бирлашган Қироллик Интеллектуал мулк идораси (кейинги ўринларда биргаликда «Иштирокчилар» ҳамда алоҳида «Иштирокчи» деб юритилади), интеллектуал мулк соҳаси давлатлар ва корхоналар рақобатбардошлигини оширишда, шу билан бирга иқтисодий ва ижтимоий ривожланишда муҳим рол ўйнашини тан олган ҳолда, мавжуд интеллектуал мулк тизимларини ривожлантириш мақсадида, икки томонлама ҳамкорликни янада кучайтиришни истаган ҳолда,

қуйидагилар тўғрисида англашиб олдилар:

1. Мақсад

1.) Ушбу Меморандумнинг асосий мақсади Иштирокчиларнинг интеллектуал мулкка оид масалаларда ҳамкорлигини ривожлантириш ва кучайтириш.

2. Ҳамкорлик йўналишлари

2.) Иштирокчилар ушбу Меморандум қоидаларига ва иштирокчилар фаолиятини тартибга солувчи амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тенг ва ўзаро манфаатдорлик мақсадида умумий манфаатларга эга бўлган соҳаларда интеллектуал мулкка тааллуқли масалалар бўйича ҳамкорлик қилишни режалаштирмоқда;

3.) Иштирокчилар халқаро ва минтақавий шартномалар доирасида фикр алмашишга интилади;

4.) Ўзаро хабардорликни ошириш мақсадида Иштирокчилар миллий қонунчиликдаги ўзгаришлар ва миллий интеллектуал мулк тизимларини ривожлантиришнинг ҳозирги тенденциялари, шунингдек, интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича илғор тажрибалар бўйича ахборот алмашишга интилади;

5.) Интеллектуал мулкка алоқадор масалалар бўйича жамоатчилик ха-

бардорлигини ошириш ва тажриба алмашиш мақсадида Иштирокчилар давра суҳбатлари, семинарлар ва бошқа қўшма тадбирларни ўтказди;

6.) Иштирокчилар икки томонлама ҳамкорлик жараёнида Иштирокчиларнинг ҳозирги эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда белгиланадиган ва ҳар икки Иштирокчи томонидан қабул қилинадиган бошқа соҳаларда ҳам ҳамкорлик қилишлари мумкин.

3. Яқуний қоидалар

7.) Ушбу Меморандум молиявий мажбуриятларни назарда тутмайди, Иштирокчилар ушбу Меморандумда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни ўз ҳисобларидан қоплайди. Агар чора-тадбир ҳар икки Иштирокчи томонидан белгиланса ва молиявий масалаларни ҳал этишни талаб қилса, харажатларнинг кўлами ва хусусиятлари аниқ ва ёзма равишда белгиланади.

8.) Ушбу Меморандум ҳар икки Иштирокчи томонидан имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва уч (3) йил давомида амал қилади.

9.) Ушбу Меморандум фақатгина Иштирокчиларнинг қўшма қарори ёрдамида бир Иштирокчининг бошқа Иштирокчига ёзма билдиришномаси билан янгиланиши мумкин, бундай билдиришнома Меморандум муддати тугашидан тўқсон (90) календарь кун олдин тақдим этилади.

10.) Ушбу Меморандумга кучга кириш санаси кўрсатилган, Иштирокчиларнинг ёзма шаклдаги билдиришномалари билан расмийлаштирилган қўшма қарор асосида ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

11.) Ҳар бир Иштирокчи ушбу Меморандумни исталган вақтда бошқа Иштирокчига ёзма хабар бериш орқали бекор қилиши мумкин, бундай билдиришнома бекор қилиш санасидан камида тўқсон (90) календарь кун олдин тақдим этилади.

12.) Ушбу Меморандум инглиз ва ўзбек тилларида имзоланади ва иккала матн ҳам тенг кучга эга бўлади.

13.) Ушбу Меморандум халқаро шартнома эмас ва халқаро ҳуқуқ билан тартибга солинадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларни келтириб чиқармайди.

2024 йил 12 июль санасида ҳар икки Иштирокчи томонидан имзоланган.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Интеллектуал мулк бўйича федерал хизмати (Россия Федерацияси) ўртасида саноат мулкни муҳофаза қилиш бўйича ўзаро англашув ҳақида
МЕМОРАНДУМ**

Женева, 2024 йил 12 июль

*(Ўзбекистон Республикаси учун 2024 йил 12 июлдан
кучга кирган)*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Интеллектуал мулк бўйича федерал хизмати (Россия Федерацияси), кейинги ўринларда «Иштирокчилар» деб аталади,

интеллектуал мулк миллий ва глобал иқтисодий ва мустақамлашда муҳим рол ўйнашини тан олиб,

технологик тартибни ўзгартириш шароитида инновацияларни илгари суриш ва янги технологияларни жорий этишга кўмаклашишни истаб,

интеллектуал мулк тизимларини ривожлантириш мақсадида икки томонлама ҳамкорликни янада мустақамлашга интилан ҳолда,

қуйидагилар ҳақида ўзаро англашиб олдилар:

1. Ушбу Меморандумнинг мақсади Иштирокчилар ўртасидаги ҳамкорликнинг умумий тамойиллари ва мазмунини белгилашдир. Ушбу Меморандумнинг 2 — 6-бандларида кўрсатилган йўналишлар бўйича ҳамкорлик Иштирокчилар давлатларининг интеллектуал мулк тизимларини такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

2. Иштирокчилар турли халқаро майдонларда фикр алмашиш ва позицияларни мувофиқлаштиришга интилиш ниятидалар.

3. Иштирокчилар қонунчиликдаги ўзгаришлар ва миллий интеллектуал мулк тизимларини ривожлантиришнинг долзарб тенденциялари, шунингдек, интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни муҳофаза қилишнинг илғор амалиётлари тўғрисида маълумот алмашиш ниятидалар.

4. Иштирокчилар идоралар экспертлари томонидан фойдаланиладиган маълумотларнинг тўлиқлигини ва бундай маълумотларнинг фойдаланувчиларнинг максимал доирасига киришини таъминлаш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда патент ҳужжатлари алмашинуви соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ниятидалар. Бундай ўзаро ҳамкорлик икки томонлама асосда, шу жумладан, патент-техник кутубхоналар йўналиши бўйича ҳам, минтақавий патент-ахборот маҳсулотини саноат ишлаб чиқариш лойиҳаси (CISPATENT) доирасида ҳам амалга оширилиши мумкин. Маълумотларни узатиш ҳажми ва техник шартлари Иштирокчилар томонидан тегишли идоралараро ҳужжатларда белгиланади.

5. Иштирокчилар Роспатентга бўйсунувчи Россия давлат интеллектуал мулк академияси ва Федерал саноат мулки институти негизида, шунингдек, Иштирокчилар томонидан келишилиши мумкин бўлган бошқа ҳар қандай форматларда интеллектуал мулк соҳасида мутахассисларни ўқитиш имкониятини кўриб чиқишга тайёрдилар.

6. Интеллектуал мулк соҳасида жамоатчилик хабардорлигини ошириш ва тажриба алмашиш мақсадида Иштирокчилар конференциялар, семинарлар, давра суҳбатлари, экспертлар амалиётлари ва бошқа қўшма тадбирлар, шу жумладан, ёшларга йўналтирилган тадбирларни ўтказишга тайёрдирлар.

7. Ушбу Меморандумнинг 2 — 6-бандларида кўрсатилган ҳамкорлик йўналишлари бўйича аниқ чора-тадбирлар ва уларни амалга ошириш тартиби иштирокчилар ўртасидаги ёзишмалар орқали аниқланади.

8. Агар Иштирокчилар бошқача келишмасалар, ҳар бир Иштирокчи ушбу Меморандумни қўллашдан келиб чиқадиган харажатларни мустақил равишда қоплашга тайёрлигини тасдиқлайди.

Тадбирни ташкил этиш билан боғлиқ қўшимча харажатлар уни ўтказиш учун масъул бўлган Иштирокчи ҳисобидан қопланади.

9. Иштирокчилар мазкур Меморандумни қўллашга оид масалалар бўйича алоқа учун шахсларни аниқлаб, уларнинг алоқа маълумотлари (телефон рақами ва электрон почта манзили) билан алмашишадилар ва алоқа учун шахслар ёки уларнинг алоқа маълумотлари ўзгариши тўғрисида тезкорлик билан бир-бирларини хабардор қиладилар.

10. Мазкур Меморандум у имзоланган кундан бошлаб амал қилади.

11. Иштирокчиларнинг ўзаро ёзма розилиги билан мазкур Меморандумга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

12. Исталган Иштирокчи бошқа Иштирокчини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда мазкур Меморандумни қўллашни тўхтатиши мумкин. Бундай ҳолда мазкур Меморандумни қўллаш бошқа Иштирокчи томонидан таъкидланган хабар олинган кундан бошлаб 90 кундан сўнг тўхтатилади.

13. Мазкур Меморандум халқаро шартнома ҳисобланмайди ва халқаро ҳуқуқ билан тартибга солинадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларни келтириб чиқармайди.

Женева шаҳрида 2024 йил 12 июлда икки нусхада, ўзбек ва рус тилларида имзоланди.

(имзолар)

МЕМОРАНДУМ
между Министерством юстиции Республики Узбекистан и
Федеральной службой по интеллектуальной собственности
(Российская Федерация) о взаимопонимании в области
охраны промышленной собственности

Женева, 12 июля 2024 года

*(Вступил в силу для Республики Узбекистан
12 июля 2024 года)*

Министерство юстиции Республики Узбекистан и Федеральная служба по интеллектуальной собственности (Российская Федерация), именуемые в дальнейшем «Участники»,

признавая, что интеллектуальная собственность играет важную роль в укреплении национальной и глобальной экономики,

желая содействовать продвижению инноваций и внедрению новых технологий в условиях смены технологического уклада,

стремясь к дальнейшему укреплению двустороннего сотрудничества с целью развития систем интеллектуальной собственности,

пришли к взаимопониманию о нижеследующем:

1. Целью настоящего Меморандума является определение общих принципов и содержания сотрудничества между Участниками. Сотрудничество по направлениям, обозначенным в пунктах 2 — 6 настоящего Меморандума, призвано способствовать совершенствованию и повышению эффективности систем интеллектуальной собственности государств Участников.

2. Участники намерены стремиться к обмену мнениями и координации позиций на различных международных площадках.

3. Участники намерены обмениваться информацией об изменениях в законодательстве и актуальных тенденциях развития национальных систем интеллектуальной собственности, а также передовыми практиками охраны прав на объекты интеллектуальной собственности.

4. Участники намерены развивать взаимодействие в области обмена патентной документацией, руководствуясь потребностью в обеспечении полноты информации, используемой экспертами ведомств, и доступности такой информации максимально широкому кругу пользователей. Такое взаимодействие может осуществляться как на двусторонней основе, в том числе по линии патентно-технических библиотек, так и в рамках Проекта по промышленному выпуску регионального патентно-информационного продукта (CISPATENT). Объем и технические условия передачи данных будут определяться Участниками в соответствующих межведомственных документах.

5. Участники готовы прорабатывать возможность обучения специалистов в сфере интеллектуальной собственности на базе подведомственных Роспатенту Российской государственной академии интеллектуальной собственности и Федерального института промышленной собственности, а также в любых других форматах, которые могут быть согласованы Участниками.

6. В целях повышения общественной осведомленности и обмена опытом в сфере интеллектуальной собственности Участники готовы проводить конференции, семинары, круглые столы, стажировки экспертов и иные совместные мероприятия, в том числе ориентированные на молодежь.

7. Конкретные мероприятия по направлениям сотрудничества, указанным в пунктах 2 — 6 настоящего Меморандума, и порядок их реализации определяются путем переписки между Участниками.

8. Если Участники не договорятся об ином, каждый Участник подтверждает готовность самостоятельно нести расходы, вытекающие из применения настоящего Меморандума.

Дополнительные расходы, связанные с организацией мероприятия, покрываются за счет Участника, ответственного за его проведение.

9. Участники определяют контактных лиц по вопросам, связанным с применением настоящего Меморандума, обмениваются их контактными данными (номер телефона и адрес электронной почты) и оперативно уведомляют друг друга об изменениях контактных лиц или их контактных данных.

10. Настоящий Меморандум применяется с даты его подписания.

11. По обоюдному письменному согласию Участников в настоящий Меморандум могут быть внесены изменения и дополнения.

12. Любой из Участников может прекратить применение настоящего Меморандума, уведомив об этом другого Участника в письменной форме. В таком случае применение настоящего Меморандума прекратится через 90 дней с даты получения другим Участником упомянутого уведомления.

13. Настоящий Меморандум не является международным договором и не создает прав и обязательств, регулируемых международным правом.

Подписано в г. Женеве 12 июля 2024 г. в двух экземплярах, каждый на узбекском и русском языках.

(подписи)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркия
Республикаси Ҳукумати ўртасида Ўзбекистон Республикасида
Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги
фаолияти тўғрисида
БИТИМ**

Анқара, 2017 йил 25 октябрь

*(Ўзбекистон Республикаси учун 2024 йил 25 октябрдан
кучга кирган)*

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Туркия Республикаси Ҳукумати, кейинги ўринларда «Томонлар» деб аталувчилар,

Томонларнинг ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини янада мустақамлаш истагида,

ўзаро тенглик ва манфаатдорлик тамойиллари асосида иқтисодий ва молиявий-техникавий ҳамкорликни янада такомиллаштириш учун Томонларнинг ўзаро интилишларини инobatга олган ҳолда,

ушбу соҳада ҳамкорликни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратишни истаб,

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда

Ушбу Битимнинг мақсади Ўзбекистон Республикасида Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги Дастурлар мувофиқлаштирув офисининг (кейинги ўринларда — ТИКА офиси) ушбу Битимда кўрсатилган лойиҳа ва дастурларни амалга оширишдаги фаолияти тартиби ва шартларини белгилашдан иборат.

2-модда

2.1. Томонлар ижтимоий ва иқтисодий ривожланишга қаратилган лойиҳа ва дастурларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси учун устувор йўналишлар ва эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда қуйидаги соҳаларда ҳамкорликни амалга оширадилар:

- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;
- сув, санитария, ўрмон хўжалиги ва геология;
- қишлоқ хўжалиги, аграр саноат, озиқ-овқат саноати;
- соғлиқни сақлаш;
- маданият ва туризм, тарихий ёдгорликларни таъмирлаш;
- инфраструктурани ривожлантириш;
- қишлоқ ва шаҳар ҳудудларини ривожлантириш;
- кичик ва ўрта ҳажмли корхоналарни ривожлантириш;
- энергия;

давлат ва хусусий бошқарув тузилмаларни қўллаб-қувватлаш ва мустақамлаш;

иқтисодий ривожланиш лойиҳа ва дастурлари;

фан ва таълим;

макроиқтисодий бошқарув;

транспорт;

қашшоқликни бартараф этиш;

гуманитар ёрдам;

ўзаро манфаатли бошқа соҳалар.

2.2. Ривожланиш мақсадидаги ҳамкорлик лойиҳалар ва дастурларни амалга оширишда зарур бўлган техник ёрдам кўрсатиш, ускуна ва материаллар тақдим этиш, ўқув ва консалтинг хизматларини кўрсатиш, ахборот ва тажриба алмашиш шаклида амалга оширилиши мумкин.

2.3. Муҳим лойиҳа ва дастурлар алоҳида келишувлар асосида амалга оширилиши мумкин.

3-модда

3.1. Томонлар ТИКА офиси юридик шахс эканлигини ва ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилиги ва мазкур Битимга асосан амалга оширишини ҳамда қўйидаги ҳуқуқларга эгаллигини тан оладилар:

а) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган мулкӣ ва шахсий ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиш ва амалга ошириш;

б) музокара олиб бориш ҳамда битимлар ва контрактлар тузиш;

в) банкларда ҳисоб рақами очиш ва юритиш;

г) Ўзбекистон Республикасининг ҳар қандай судларида даъвогар ёки жавобгар сифатида иштирок этиш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг давлат органларига мурожаат қилиш.

3.2. ТИКА офисининг раҳбари ва керакли миқдордаги хорижлик ходимлари унинг вакиллари сифатида ТИКА Бош қароргоҳи томонидан тайинланадилар.

4-модда

4.1. Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилигига мувофиқ, ТИКА офиси иқтисодий ва техникавий ҳамкорликни амалга оширувчи хорижий давлат ҳукумат ташкилоти ваколатхонаси сифатида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида аккредитациядан ўтади.

4.2. ТИКА офиси раҳбари ва унинг хорижлик ходимлари иқтисодий ва техникавий ҳамкорликни амалга оширувчи хорижий давлат ҳукумат ташкилоти ваколатхонаси раҳбари ва ходимлари сифатида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида аккредитациядан ўтадилар.

4.3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ТИКА офисига қўйидаги имконият, имтиёз ва иммунитетларни тақдим этади:

ТИКА офиси лойиҳаларини амалга ошириш учун зарур бўлган импорт

қилинган жиҳоз ва буюмларни божхона тўловлари ва солиқлардан озод қилиш;

ТИКА офиси эҳтиёжлари учун «вақтинча импорт» божхона режими остида киритилаётган транспорт воситаларини даврий божхона тўловидан озод этиш;

ТИКА офисининг хорижлик ходимларига тўланадиган иш ҳақи ва бонуслар билан боғлиқ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан озод қилиш.

4.4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ТИКА офиси хорижлик ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини Ўзбекистон Республикасининг ҳудудига кириши ва ундан чиқиши, унда бўлиши, рўйхатдан ва аккредитациядан ўтишига кўмаклашади.

4.5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ТИКА офиси хорижлик ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини қуйидагилар билан таъминлайди:

шахсий эҳтиёж учун импорт қилинган товарларни божхона тўлови ва солиқлардан озод қилиш;

ТИКА офиси ҳар бир хорижлик ходимининг шахсий фойдаланиши мақсадида «вақтинча импорт» божхона режими остида киритиладиган транспорт воситаларини даврий божхона тўловидан озод этиш;

жисмоний шахсларнинг расмий мажбуриятларини амалга ошириш натижасида олинган тўлов ва бонуслар билан боғлиқ даромадларига солинадиган солиқлардан озод қилиш.

4.6. ТИКА офиси Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида ўз фаолиятини амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикасининг меҳнат, ижтимоий таъминот ва тиббий суғурта соҳасидаги қонун ва қоидаларига амал қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ёки Ўзбекистон Республикасида яшовчи шахсларни ишга қабул қилиши мумкин.

5-модда

5.1. ТИКА офиси ва унинг ходимлари Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига амал қилишлари ва давлатнинг ички ишларига аралашмасликлари шарт.

5.2. ТИКА офиси фаолияти давомида ҳуқуқбузарлик содир этилганда, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги зарур ҳужжат ва маълумотларни талаб қилишга, шунингдек, аниқланган ҳуқуқбузарликни барта раф этиш ҳақида хабарнома юборишга ҳақли.

5.3. Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилиги бузилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилиги ҳамда халқаро ҳуқуқий нормаларга мувофиқ чоралар кўришга ҳақли.

6-модда

6.1. Ушбу Битимнинг 2-моддаси қоидаларини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг сўровлари ТИКА офиси орқали Туркия Республикасининг тегишли органларига юборилади. ТИКА офи-

си лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш ва назорат қилиш учун масъул бўлган Ўзбекистон ва Туркия органлари ўртасидаги алоқани таъминлайди, шунингдек, лойиҳа ва дастурларни амалга оширишда зарур махфий бўлмаган ахборотларни сўраб Ўзбекистон органларига мурожаат этишга ҳақли.

6.2. Томонлар лойиҳа ва дастурлар такрорланишининг олдини олиш мақсадида ҳамкорликни самарали мувофиқлаштириш учун зарур чораларни кўрадилар.

6.3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати лойиҳа ва дастурларнинг турли босқичлари самарали амалга оширилиши учун Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигига мувофиқ зарур лицензия ва рухсатномаларни беришда кўмаклашади.

7-модда

Мазкур Битимни талқин қилиш ёки қўллаш юзасидан келиб чиқадиган низолар Томонлар ўртасида музокаралар ва маслаҳатлашувлар ўтказиш йўли билан ҳал этилади.

8-модда

Мазкур Битимга Томонларнинг ўзаро келишувига биноан ушбу Битимнинг 9-моддасига мувофиқ кучга кирадиган ва мазкур Битимнинг ажралмас қисми ҳисобланадиган алоҳида баённомалар билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

9-модда

9.1. Мазкур Битим Томонлар тарафидан Битимнинг кучга кириши учун зарур бўлган ички процедуралар бажарилганлиги тўғрисидаги охириги хабарномани дипломатик каналлар орқали олинган санадан бошлаб ўттиз (30) кун ўтгач кучга киради.

9.2. Мазкур Битим номуайян муддатга тузилади ва бир Томоннинг бошқа Томондан Битимни бекор қилиш истаги тўғрисида ёзма хабарномани олган кундан бошлаб олти ой муддатгача амал қилади.

9.3. Мазкур Битимнинг бекор қилиниши амалга оширилган ва амалга оширилаётган фаолиятга таъсир қилмайди.

Анқара шаҳрида 2017 йил 25 октябрда икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек, турк ва инглиз тилларида тузилди, барча матнлар тенг аутентикдир. Мазкур Битим қоидаларини талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келган ҳолларда, инглиз тилидаги матн устувор ҳисобланади.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Тожикистон
Республикаси Ҳукумати ўртасида 2018 йил 9 мартда
имзоланган халқаро автомобиль қатнови тўғрисидаги Битимга
ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида
БАЁННОМА**

Душанбе, 2024 йил 18 апрель

*(Ўзбекистон Республикаси учун 2024 йил 25 октябрдан
кучга кирган)*

*[Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан
давлат реестрида 2024 йил 25 октябрда 4547-ТJ-2024 (1)-Н
тартиб рақами билан рўйхатга олинди]*

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Тожикистон Республикаси Ҳукумати, кейинги ўринларда Томонлар деб аталувчилар,

2018 йил 9 мартда имзоланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Тожикистон Республикаси Ҳукумати ўртасида халқаро автомобиль ташуви тўғрисидаги Битимнинг (кейинги ўринларда — Битим) 20-моддасига мувофиқ,

икки давлат ўртасидаги автомобиль қатновини янада ривожлантириш истагида,

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда

1. Битимнинг 5-моддаси 1-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Томонларнинг давлатлари ўртасида, шунингдек, учинчи давлатларга ёки улардан товарларни ташиш, мазкур Битимнинг 6-моддасида назарда тутилган ташувларни истисно қилган ҳолда, автотранспорт воситаларида Томонлар давлатларининг ваколатли органлари тарафидан бериладиган рухсатномалар асосида амалга оширилади.»

2. Битимнинг 5-моддаси 2-бандининг тўртинчи гапи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Икки томонлама қатнов пайтида юк ташувчи бўш автотранспорт воситаларининг ўтиши учун ҳам рухсатномалар талаб қилинади.»

3. Битимнинг 5-моддаси қуйидаги мазмундаги 6-банд билан тўлдирилсин:

«6. Томон давлатларининг ҳудудлари орқали юк ташувчи автотранспорт воситаларининг транзит ўтиши рухсатномасиз амалга оширилади.»

2-модда

Мазкур Баёнома Томонлар унинг кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички процедураларини бажарганликлари тўғрисида сўнги ёзма хабарнома олинган санадан бошлаб кучга киради.

Мазкур Баённома Битимнинг амал қилиши тугатилган вақтдан бошлаб ўз кучини йўқотади.

Душанбе шаҳрида 2024 йил 18 апрелда икки нусхада, ҳар бири ўзбек, тожик ва рус тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

Мазкур Баённома қоидаларини талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келган ҳолларда, Томонлар рус тилидаги матнга мурожаат қиладилар.

(имзолар)

ПРОТОКОЛ
между Правительством Республики Узбекистан и
Правительством Республики Таджикистан о внесении изменений
и дополнений в Соглашение о международном автомобильном
сообщении от 9 марта 2018 года

Душанбе, 18 апреля 2024 года

*(Вступил в силу для Республики Узбекистан
25 октября 2024 года)*

*[Зарегистрирован Министерством иностранных дел
Республики Узбекистан в государственном реестре под номером
4547-TJ-2024 (1)-Н от 25 октября 2024 г.]*

Правительство Республики Узбекистан и Правительство Республики Таджикистан, в дальнейшем именуемые Сторонами,

В соответствии со статьей 20 Соглашения между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Республики Таджикистан о международном автомобильном сообщении от 9 марта 2018 года (далее — Соглашение), выражая стремление к дальнейшему развитию автомобильного сообщения между двумя государствами,

согласились о нижеследующем:

Статья 1

1. Пункт 1 статьи 5 Соглашения изложить в следующей редакции:

«1. Перевозки грузов между государствами Сторон, а также в/из третьих стран, за исключением перевозок, предусмотренных в статье 6 настоящего Соглашения, осуществляются автотранспортными средствами на основании разрешений, выдаваемых компетентными органами государств Сторон.»

2. Четвертое предложение пункта 2 статьи 5 Соглашения изложить в следующей редакции:

«На проезд порожних грузовых автотранспортных средств при двустороннем сообщении также требуются разрешения.»

3. Статью 5 Соглашения дополнить пунктом 6 следующего содержания:

«6. Транзитный проезд грузовых автотранспортных средств через территории государств Сторон осуществляется без разрешений.»

Статья 2

Настоящий Протокол вступает в силу с даты получения последнего письменного уведомления о выполнении Сторонами внутригосударственных процедур, необходимых для его вступления в силу.

Настоящий Протокол прекращает свое действие с момента прекращения действия Соглашения.

Совершено в городе Душанбе 18 апреля 2024 года, в двух экземплярах, каждый на узбекском, таджикском и русском языках, причем все тексты имеют одинаковую силу.

В случае возникновения расхождений в толковании положений настоящего Протокола Стороны будут обращаться к тексту на русском языке.

(подписи)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Хитой Халқ
Республикаси Ҳукумати ўртасида маданий бойликларни
ўғирлаш, яширин қазиш ва ноқонуний олиб кириш ва
олиб чиқишнинг олдини олиш тўғрисида
Битим**

Пекин, 2024 йил 24 январь

*(Ўзбекистон Республикаси учун 2024 йил 5 ноябрдан
кучга кирган)*

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати (кейинги ўринларда «Томонлар» деб аталувчилар),

1970 йил 14 ноябрдаги Маданий бойликларни ноқонуний равишда олиб келиш, олиб кетиш ва уларга бўлган эгалик ҳуқуқини ўзгага беришни ман этиш ва олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисидаги Конвенциянинг ижроси доирасида,

маданий бойликларни муҳофаза қилиш соҳасида икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш ўзаро муносабатларни янада яқинлаштиришнинг муҳим воситаси ҳамда инсониятнинг маданий меросини муҳофаза қилиш вазифасини амалга оширишга самарали ёндашув сифатида хизмат қилишига ишонч билдириб, ҳамда

маданий бойликларни ўғирлаш, яширин қазиш ва ноқонуний олиб кириш ва олиб чиқиш инсониятнинг маданий меросига жиддий таҳдид солаётганини ҳисобга олиб,

икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик маданий бойликларни ўғирлаш, яширин қазиш ва ноқонуний олиб кириш ва олиб чиқишнинг олдини олишда муҳим ҳисса қўшиши мумкинлигига ишониб,

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда

1.1. Томонлар Маданий бойликларни ноқонуний равишда олиб келиш, олиб кетиш ва уларга бўлган эгалик ҳуқуқини ўзгага беришни ман этиш ва олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисидаги Конвенцияга (1970 йил 14 ноябрь) мувофиқ маданий бойликларни ўғирлаш, яширин қазиш ва ноқонуний олиб кириш ва олиб чиқишга қарши курашиш бўйича зарур чоралар кўришга келишиб олдилар.

1.2. Ўғирланган, яширин қазиб олинган ва ноқонуний олиб кирилган ва олиб чиқилган Хитой маданий бойликларини таснифлаш Хитой қонунларига мувофиқ амалга оширилади. Ўғирланган, яширин қазиб олинган ва ноқонуний олиб кирилган ва олиб чиқилган Ўзбекистон маданий бойликларини таснифлаш Ўзбекистон қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади. Битимнинг ажралмас қисми бўлган иловалар иккала давлат учун белгиланган маданий бойликларга мос келади.

1.3. Маданий бойликларни ўғирлаш, яширин қазиш ва уларни ноқонуний

олиб кириш ва олиб чиқиш билан боғлиқ икки давлат қонунчилиги ўртасида келишмовчиликлар юзага келган тақдирда ва бундай низолар мазкур Битимни амалга ошириш билан боғлиқ бўлса, Томонлар давлатларининг тегишли ваколатли органлари уларни маслаҳатлашувлар орқали ҳал қиладилар.

2-модда

Томонлар тегишли равишда Хитой Миллий маданий мерос бошқармаси ва Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлигини мазкур Битимни самарали амалга ошириш учун масъул этиб тайинлайдилар.

Шу муносабат билан Томонлар давлатларининг ваколатли органлари яқин ва узлуксиз ҳамкорликни йўлга қўядилар.

3-модда

3.1. Томонлар мазкур Битим мақсадларида қўйидагиларни ўз ичига олган маълумотни алмашадилар:

А. Маданий бойликларни муҳофаза қилиш, хусусан, маданий бойликларни ўғирлаш, яширин қазилар ва ноқонуний олиб кириш ҳамда олиб чиқишнинг олдини олишга қаратилган қонунлари ва қоидалари, шунингдек, бошқарув органлари томонидан ишлаб чиқилган тегишли сиёсат ва чора-тадбирлар;

В. Олиб чиқилиши тақиқланган ва бир хил қоидалар ва стандартлар асосида белгиланган маданий бойликларнинг маълумотлар базалари;

С. Маданий бойликларни олиб чиқиш ҳуқуқини берувчи сертификатлари тўғрисидаги маълумот;

Д. Маданий бойликларни муҳофаза қилиш ва сақлаш ташкилотлари тўғрисидаги маълумотлар;

Е. Ер ости ва сув ости артефактлари ҳамда археологик топилмалар тўғрисидаги маълумот;

Ғ. Маданий бойликлар олди-сотдисида оид асосий тартиблар.

3.2. Юқоридаги маълумот мунтазам равишда янгиланиши зарур.

3.3. Агар узатилаётган маълумот Томонлар давлатларининг қонунчилиги мувофиқ муҳофаза қилинса ёки унинг махфийлик даражасини кўрсатувчи тафсилотларга эга маълумотдан иборат бўлса, уни алмашиш Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати ўртасида махфий ахборотларни ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги Битимга (Сиан, 2023 йил 18 май) асосан тартибга солинади.

4-модда

Томонлар маданий бойликларни ўғирлаш, яширин қазилар ва ноқонуний олиб кириш ва олиб чиқиб кетишнинг олдини олиш соҳасида, хусусан, маданий бойликлар хавфсизлигини бошқариш, маданий бойликлар бозорларини бошқариш, маданий бойликларни олиб кириш ва олиб чиқиш бошқаруви, қонунчилик, қонун ижодкорлиги, маълумот тўплаш ҳамда халқаро муноса-

батларда мувофиқлаштирувни амалга оширишда кадрлар алмашинуви ва ма-
лакасини оширишни кучайтирадилар.

5-модда

Мазкур Битим мақсадларида Томонлар олиб чиқишга рухсат этилган ма-
даний бойликларни лицензиялаш тизимини, маданий бойликларни рўйхатга
олиш тизимини, ўғирланган маданий бойликлар тўғрисида маълумот бериш
tizimini ва маданий бойликларни олиб киришни назорат қилиш тизимини
янада такомиллаштириш бўйича мувофиқлаштирувни кучайтирадилар ва кў-
маклашадилар.

6-модда

Томонлар мазкур Битимни амалга ошириш жараёнида юзага келадиган
харажатлар ва ўғирлик, яширин қазिश ёки ноқонуний олиб кириш ва олиб
чиқиш натижасида олинган маданий бойликларни қайтариш учун оқилона
компенсация тўлаш билан боғлиқ муаммоларни маслаҳатлашувлар орқали
ҳал қиладилар.

7-модда

7.1. Томонлар маданий бойликларни ўғирлаш, яширин қазिश ва ноқону-
ний олиб кириш ҳамда олиб чиқишнинг олдини олиш каби масалалар бўйича
ҳар томонлама маслаҳатлашувлар олиб борадилар ва бир-бирларининг пози-
цияларини мувофиқлаштирадилар.

7.2. Томонлар кенг жамоатчилик, музейлар ва бошқа маданий ташкилот-
ларнинг халқаро ҳамжамиятнинг маданий бойликларни ўғирлаш, яширин
қазिश ва ноқонуний олиб кириш ва олиб чиқиш натижасида юзага келган
тахдидлари тўғрисида хабардорлигини янада ошириш бўйича ҳамкорликни
кучайтирадилар ва учинчи давлат билан маданий алоқаларни мувофиқлашти-
ришда ЮНЕСКОнинг тегишли халқаро конвенцияларини амалга оширувчи
ташкилотлар билан алоқаларни кенгайтирадилар.

7.3. Томонлар халқаро маданий бойликлар бозорида пайдо бўлган ноқо-
нуний маданий бойликлар тўғрисида бир-бирларига тегишли маълумотни
тақдим этадилар ва тегишли текширувлар ўтказиш чоғида Томонларнинг
йўқолган маданий бойликларини баҳолаш, рўйхатга олиш, излаш ва қайта-
риш билан боғлиқ маълумот билан алмашадилар.

7.4. Томонлар бошқа Томоннинг маданий бойликларини ноқонуний олиб
кириш ва уларга эгалик қилиш ҳуқуқини ўтказишнинг олдини олиш ҳамда
бартараф қилиш, шунингдек, ноқонуний олиб чиқиб кетилган ва бошқа То-
мон давлати ҳудудида сақланаётган маданий бойликларни қайтариш бўйича
ўзаро барча зарур чораларни кўрадилар.

8-модда

Томонлар мазкур Битимни амалга оширишдан келиб чиқадиган муаммо-

ларни ҳал қилиш ва келгусидаги ҳамкорлик режаларини ишлаб чиқиш учун мунтазам равишда ишлайдиган маслаҳатлашув механизмини йўлга қўядилар.

9-модда

Мазкур Битим давлатлари иштирокчи бўлган бошқа халқаро шартномалардан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларга даҳл қилмайди.

Томонларнинг ўзаро келишувига кўра, мазкур Битимга унинг ажралмас қисмлари ҳисобланадиган ҳамда алоҳида баённомалар билан расмийлаштириладиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

10-модда

Мазкур Битим Томонлар у кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички процедураларини бажарганлиги тўғрисида дипломатик каналлар орқали сўнгги ёзма хабарнома олинган санадан бошлаб кучга киради.

Мазкур Битим беш йил муддатга тузилади ва агар бир Томон унинг муддати тугашидан камида олти (6) ой олдин бошқа Томонни мазкур Битимни тугатиш нияти тўғрисида ёзма равишда хабардор қилмаса, у ўз-ўзидан навбатдаги беш йиллик муддатга узаяверади.

Пекин шаҳрида 2024 йил 24 январда, ҳар бири ўзбек, хитой ва инглиз тилларида бўлган икки асл нусхада тузилди, бунда барча матнлар тенг аутентикдир.

Мазкур Битимни талқин қилишда ҳар қандай тафавутлар юзага келган тақдирда, инглиз тилидаги матн устувор ҳисобланади.

(имзолар)

I ИЛОВА

Хитой маданий бойликлари ТОИФАЛАРИ

I. Тошдан ясалган буюмлар

А. Қумтош, базальт, оҳактош, шағалтош, чақмоқтош ва бошқа турдаги тошлардан ясалган асбоблар/идишлар, асосан, тахминан 2 миллион йил муқаддам ва милодий 1949 йил оралиғида ишлаб чиқарилган барча турдаги қирғич, майдалагич, ўткир шаклли асбоб, болта, теша, белкурак, кески, омок, шамшир, кетмон, ўроқлар, тегирмонтоши, фроттон (қоғоз сиёҳни ўзига яхши сингдириши учун уни текисловчи диск шаклидаги текис юзага эга буюм), йигирув филдираги, тўр тоши, штайнкерн, шифер, тошшар ва бошқа идишлар, шунингдек, Би (марказида тешик бўлган нефрит), оҳак, кўза, пиёла, қозон, сиёҳ сақланадиган тош, тошқолип, идиш қолипи, мебель ҳамда бошқа идишлар ва буюмлар.

В. Базальт, шағалтош, чақмоқтош ва бошқа турдаги тошлардан ясалган қуроллар, асосан, ўқ, болтача, ханжар болта, қилич, гранула, найза учининг барча турлари ва тахминан 50 минг йил муқаддам ва милоддан аввалги 800 йилда ишлаб чиқарилган бошқалар.

С. Қумтош, базальт, оҳактош ва бошқа турдаги тошлардан ясалган ҳайкаллар/безаклар, асосан, барча турдаги тошлавҳалар, кузатув минораси, безакли устунлари, сутра стеласи, петроглиф, ҳайкал, битик, айнига ўхшатиб ясалган ҳайкал, балюстрада, муҳр. «Гуан» ва «Гуо» (ички ва ташқи тобутлар), эпитафия, тошрельеф, безактош, қурилиш компоненти ва тахминан милоддан аввалги 8000 йил ва милодий 1949 йил оралиғида ишлаб чиқарилган бошқа буюмлар.

II. Нефрит буюмлари

А. Қурбонлик қилиш, маросимлар ва бошқа тадбирлар учун фойдаланилган тремолит, актинолит, серпантин ва бошқа турдаги нефрит материаллардан ясалган маросим идишлари. Улар асосан барча турдаги Би (маркази тешик нефрит), Конг (думалоқ тешикли тўртбурчак нефрит), Гуи (нефрит пештахта), Чжан (қисқа нефрит пештахта), Хуанг (ярим халқали нефрит маржон), Ху (йўлбарс шаклли нефрит), болта, белкурак, жанговар болта, қироллик муҳри, томагавка, ханжарболта, пичоқ, китоб ва тахминан милоддан аввалги 6000 йил ва милодий 1911 йил оралиғида ишлаб чиқарилган бошқа буюмлар.

В. Марҳум билан бирга дафн этилган тремолит, актинолит, серпантин ва бошқа турдаги нефрит материаллардан тайёрланган дафн буюмлари. Улар, асосан, барча турдаги қопламалар, кийим-кечаклар, ёстиқлар, Хан (марҳумнинг оғзида сақланадиган нефрит), Во (марҳумнинг қўлига тутқазилган нефрит), Саи (марҳумнинг 9 тешигига солинган нефрит тиқинлар), эпитаф ва

тахминан милоддан аввалги 6000 йил ва милодий 1949 йил оралиғида ишлаб чиқарилган бошқа буюмлар.

С. Тремолит, актинолит, агат, биллур, қахрабо, маржон ва бошқа турдаги нефрит ва қимматбаҳо тошлардан ясалган тақинчоқлар, безаклар ва бошқалар. Улар, асосан, барча турдаги тумор, безакли соч турмаги, оро берувчи соч турмаги, билагузук, ёқа, бош бармоқ узуги, маржон, колба, мунчок, тарок, шамшир, қилич безаклари, камар безаклари, камар илгаклари, узук, фигурали безаклар, ҳайвон шаклидаги безак, гул ва қуш орнаментлари ва тахминан милоддан аввалги 6000 йил ва милодий 1949 йил оралиғида ишлаб чиқарилган бошқа буюмлар.

Д. Кундалик ҳаёт ва жиҳозлар учун ишлатиладиган тремолит, актинолит, серпантин, агат, кристалл ва бошқа турдаги нефрит материалларидан тайёрланган фойдали буюмлар/мебеллар. Булар, асосан, тахминан милоддан аввалги 1600 йил ва милодий 1949 йил оралиғида ишлаб чиқилган ҳар хил турдаги пиёла, товоқ, қути, қозон, пиёла, шиша, печка, фумигат, тамаки идиши, иш юритиш буюмлари, муҳр, танга, хатчўп, гул идиши, безак мебеллари, шағалтош, ширма ва бошқа буюмлар.

III. Керамика / плиткалар

А. Кулолчилик, шиша ва эмалдан ясалган идишлар/инструментлар, жумладан, кулолчилик, терракота, бўялган сопол, қора сопол, жигарранг сопол, оқ сопол, сирланган сопол, бинафша қумли сопол ва бошқалар, шунингдек, чинни идишлар, масалан, кўза-хумдон, селадон, сопол оқ идишлар, бўялган чинни, кўк ва оқ чинни, рангли сирланган шишасимон эмал ва бошқалар. Улар, асосан, милоддан аввалги 8000 йил ва милодий 1949 йил оралиғида ишлаб чиқарилган барча турдаги кўза, қозон, пиёла, ликопча, Ю (суюқлик сақлаш учун кенг оғизли идиш), шиша, қадах, сопол коса, офтоба, қозон, ваза, Зун (шароб идиши), Динг (пишириқ идиши), Ли (катта сопол идиш), Жуе (уч оёқли шароб идиши), Доу (овқат сақлаш учун идиш), Гуи (уч оёқли ичи бўш кўза), печ, чойнак, ёстиқ, чироқ, печка, фумигат, барабан, стол, газак шиша, шахмат, йигирув филдираги, иш юритиш буюмлари, лют, ушлагич, сопол қолип, ўчоқ мебеллари, гранулалар ва бошқалар.

В. Кулолчилик, чинни ва лойдан ясалган ўймакорлик/ҳайкалтарошлик кўринишлари, асосан, тахминий милоддан аввалги 6000 йил ва милодий 1949 йил оралиғида ишлаб чиқарилган маъбуд, фигура, ҳайвон, ўсимлик, уй, ҳовли, мебель, омбор ва ошхона, дала, ташув воситаси, қайиқ ва бошқаларнинг барча кўринишлари.

С. Керамика, ғишт ва шишадан ясалган архитектура компонентлари асосан, тахминий милоддан аввалги 2100 йилдан милодий 1949 йилгача бўлган даврда ишлаб чиқарилган барча турдаги ясси қолиплар, нова-нова черепица, карвон плиткалари, ҳайвон шаклидаги тизма, текстурали ғишт, ичи бўш ғишт, қолипли ғишт рельефи, ғишт ўймакорлиги, қолип ва бошқалар.

IV. Рассомлик ва хаттотлик / Китоблар ва ҳужжатлар / Қоғоздан тайёрланган бошқа маҳсулотлар

А. Хаттотлик ўз ичига қўлда ёзилган, ўйиб битилган ёки турли хил материалларда чоп этилган оддий ёзув, ярим эгилган шаклдаги ёзув, эгилган ёзув, расмий ёзув ва ўрама, албом, елпиғич, куплет, ширма ва ҳоказо шаклларидаги муҳр ёзувини ўз ичига олади. Улар асосан тахминий милоддан аввалги 1600 йил ва милодий 1949 йилга оралигида яратилган хаттотликнинг барча намуналари, тошбитикдан нусха олиш, нусхалар китоби ва бошқаларни ўз ичига олади.

В. Ранг-тасвирлар манзаранинг барча тасвирларини, гул-қуш расмларини, фигурали расмларни ва турли хил моддий ташувчиларда чизилган, ўйилган ёки босилган бошқа расм шаклларини ўз ичига олади. Улар, асосан, тахминий милоддан аввалги 6000 йил ва милодий 1949 йил оралигида яратилган қоятош расмлари, ипак бўёқлари, деворий расмлар, сиёх бўёқлари, рангли бўёқлар, гравюралар, шунингдек, ёғли бўёқлар, акварел, гуаш, чизмачилик, эскиз ва бошқаларни ўз ичига олади.

С. Китоблар ва ҳужжатларга ҳар қандай турдаги тошбақа қобиғи, ҳайвон суяги, бамбук, ипак, қоғоз ва бошқа материалларга хитой этник тилларида ўйилган, ёзилган ёки босилган ҳар қандай қадимий китоб, жилд ва бошқа адабиётлар киради. Улар, асосан, тахминан милоддан аввалги 3500 йил ва милодий 1949 йил оралигидаги барча турдаги фолбинлик (оракул) суяги, аҳд, бамбук бўлағи, ипак қўлёзма, китоб, оққа кўчирилган, оят, маҳаллий йилнома, жилд, шартнома, харита, дизайн, диаграмма, насабнома, хат, қўлёзма, турли қоралама, турли нусхалар, ёзишмалар, ҳужжат, телеграмма, ёзув, газета ва даврий нашрлар, ўқув материаллари, варақалар, гувоҳнома ва лицензия, реклама материаллари, кундалик, эслатма ва барча турдаги ўйма нақшлар.

Д. Қоғозларга тахминан милоддан аввалги 200 йил ва милодий 1949 йил оралигида ишлаб чиқарилган ўсимлик толасидан ва бошқа шунга ўхшаш материаллардан тайёрланган ҳар қандай қоғоз тури киради.

Е. Қоғоз банкноталар, асосан, тахминан милодий 900 йилдан 1949 йилгача ишлаб чиқарилган хитой тилида Жиаози, Сианйин, Хуизи, Баочао, Сианпиао, Йинпиао, Чаопиао ва бошқалар деб талаффуз қилинадиган барча турдаги қоғоз валюталарни ўз ичига олади.

Ғ. Почта маъмурияти томонидан почта жўнатмаларини жўнатиш ва етказиб бериш учун чоп этиладиган ва чиқарилган почта маркалари/почта маҳсулотлари, асосан, тахминан милодий 1878 йил ва 1949 йил оралигидаги барча турдаги штамплар, муҳрланган конвертлар, открыткалар, хат варақлари, контрамаркалар, босма пластинка ва бошқаларни ўз ичига олади.

V. Бронза:

А. Қурбонлик, маросимлар ва ҳоказолар учун ишлатиладиган соф мис, қалай-қўрғошин қотишмаси ва шунга ўхшаш бошқа қотишмалардан ясалган маросим идишлари. Улар тахминан милоддан аввалги 2100 йил ва милодий

1911 йил оралиғида ишлаб чиқарилган, асосан, Динг (пишириш идиши), Гуи (пиширилган озиқ-овқатлар учун думалоқ сават), Ли (катта сопол идиш), Ян (пишириш учун идиш), Доу (озик-овқатлар сақлаш идиши), Ху (пиширилган озиқ-овқатлар учун идиш), Фу (дон сақлаш учун квадрат идиш) ва Дун (тариқ идиши) каби барча турдаги овқат идишларини ўз ичига олади; Гу (қадах), Жуе (уч оёқли шароб идиши), Жиа (думалоқ оғиз ва уч оёқли шароб косаси), Жуе (винони иситиш учун идиш), Гонг (шоҳдан ясалган шароб идиши) каби барча турдаги ичимлик идишлари, Чжи (ичимлик идиши), Зун (шароб идиши), Ёу (турли хил шаклдаги шароб идиши), қозон, Хе (уч ёки тўрт оёқли ичимлик идиши) ва Йи (шароб идиши); лаган, офтоба, Жиан (лавабо) ва Фу (сувни сўриш учун тупроқ) каби барча турдаги сув идишлари ва ҳар хил мусиқа асбоблари, масалан, қўнғирок, занг, қўнғирок, ноғора, Чуню (бронза мусиқа асбоби).

В. Соф мис, қалай-қўрғошин қотишмаси ва шунга ўхшаш бошқа қотишмалардан тайёрланган қуролларга, асосан, тахминан милоддан аввалги 3000 йил ва милодий 1911 йил оралиғида ясалган ҳар хил турдаги ханжар, найза, қилич, найза, ўқ учи, тўп, арбалет, корслет ва бошқалар киради.

С. Соф мис, қалай-қўрғошин қотишмаси ва бошқа шунга ўхшаш қотишмалардан тайёрланган хўжалик асбоблари/ускуналари, асосан, тахминан милоддан аввалги 3000 йилдан 1911 йилгача бўлган даврдаги ҳар хил белкурак, теша, кески, кетмон, Бо (кетмонга ўхшаш), юзани қўлда тешиш асбоби, илгак ва бошқаларни ўз ичига олади.

Д. Соф мис, қалай-қўрғошин қотишмаси ва бошқа шунга ўхшаш қотишмалардан тайёрланган кундалик идишларга асосан милоддан аввалги 3000 йил ва милодий 1949 йил оралиғида ишлаб чиқарилган барча турдаги чироқ, ойна, печка, печ, шиша, қозон, қоғоз, стационар, камар илгаги, дазмол, ушлагич, гул идиши, безак мебеллари, жабдуқлар, оғирликлар ва ўлчов асбоблари (ўлчагич, ўлчов, тарози, вазн, литр, челак), архитектура компоненти ва бошқалар киради.

Е. Соф мис, қалай-қўрғошин қотишмаси ва бошқа шунга ўхшаш қотишмалардан ясалган ҳайкаллар асосан, тахминан милоддан аввалги 2100 йилдан милодий 1949 йилгача ишлаб чиқарилган маъбуд, фигура, хайвон, ўсимлик ва бошқаларнинг барча ҳайкали/статуэткасини ўз ичига олади.

Ғ. Соф мис, қалай-қўрғошин қотишмаси ва бошқа шунга ўхшаш қотишмалардан ясалган тангалар асосан, тахминан милоддан аввалги 1600 йил ва милодий 1949 йил оралиғида ишлаб чиқарилган барча турдаги коври танга, белкураксимон танга, пичоқсимон танга, доиравий тангалар, чумоли бурунли пуллар (ёки қийшиқ тангалар), вазнли тангалар, Тонгбао танга, Юанбао тангаси, Гуохао тангаси (мамлакат номи ёзилган танга), Нианхао тангаси (хукмронлик унвони ёзилган танга), Яшенг тангаси (барака тангаси), Сианпаи (пул пластинкаси), танга қолипи, банкнота босма пластинкаси ва бошқалар.

Г. Соф мис, қалай-қўрғошин қотишмаси ва бошқа шунга ўхшаш қотишмалардан тайёрланган таллилар/империя муҳрлари, асосан, тахминан милоддан аввалги 1600 йил ва милодий 1949 йил оралиғида ишлаб чиқарилган барча турдаги йўлбарс шаклли хатчўп, балиқ шаклли талли, тошбақа

қобиғи, пешлавҳа, купон, император муҳри, муҳр, белги ва бошқаларни ўз ичига олади.

VI. Бошқа металлар

А. Олтин, кумуш, мис, темир, қалай, қўрғошин ва бошқа шунга ўхшаш қотишмалардан ясалган асбоблар/идишларга асосан, тахминан милoddан аввалги 800 йил ва милodий 1949 йил оралиғида ишлаб чиқарилган кетмон, болта, белкурак, ооч, ўрок, борона, арра, болға, юзани қўлда тешиш асбоби каби барча турдаги асбоб ва идишлар, игна, мих, илгак ва бошқалар, шунингдек, қозон, пиёла, товоқ, офтоба, қути, шиша, чойнак, қошиқ, пешлавҳа, тахта, таёқ, қўнғироқ, чироқ каби барча турдаги идишлар/инструментлар, минора, фумигат, қулф, айланма ғилдирак, муҳр, ҳайвонлар бошли аппликация, стационар, хоролог, Руйи-таёқ, тамаки сақлаш идиши, ўйинчоқ, арава, жабдуқлар, гул идиши, декоратив мебель, астрономик альманах, оғирлик ва ўлчов асбоблари, жабдуқлар, эмал маҳсулоти, ишлаб чиқариш асбоблари, саноат ускуналари, асбоб-ускуналар, аудио ва видео маҳсулотлар ва бошқа асбоб-ускуналар ҳамда идишлар киради.

В. Олтин, кумуш, темир ва бошқа шунга ўхшаш қотишмалардан ясалган қуролларга, асосан, тахминан милoddан аввалги 800 йил ва милodий 1949 йил оралиғида ишлаб чиқарилган қилич, шамшир, найза, ўк, ўк учи, тўп, мина, арбалет, корслет каби қадимий қуролларнинг барча турлари ҳамда замонавий қуролларнинг барча турлари, шу жумладан, қурол, бомба, танк, ҳарбий кема, самолёт, портловчи ва бошқалар киради.

С. Олтин, кумуш ва бошқа шунга ўхшаш қотишмалардан ясалган орнамент ва безакларга тахминан милoddан аввалги 800 йил ва милodий 1949 йил оралиғида ишлаб чиқарилган барча турдаги тож безаклари, бош кийимлар, ниқоблар, пластронлар, қўл безаклари, билак безаклари, камар безаклари, кийим аксессуарлари, қилич безаклари, пешлавҳа безаклари, жабдуқ безаклари ва бошқалар киради.

Д. Олтин, кумуш, темир, қалай, алюминий ва бошқа қотишмалардан ясалган ҳайкаллар, асосан, тахминан милoddан аввалги 800 йил ва милodий 1949 йил оралиғида ишлаб чиқарилган маъбуд, фигура, ҳайвон, ўсимлик ва бошқаларнинг ҳайкалларини ўз ичига олади.

Е. Олтин, кумуш, мис, темир, қалай, қўрғошин, никел ва бошқа шунга ўхшаш металлар ёки қотишмалардан ясалган тангаларга асосан, тахминан милoddан аввалги 800 йил ва милodий 1949 йил оралиғида ишлаб чиқарилган барча турдаги олтин пластинка, олтин аралашма, олтин танга, олтин қўйма, кумуш мато, кумуш қўйма, кумуш аралашма, кумуш танга, кумуш тақа, темир оғирликдаги танга, Тонгбао темир танга, қотишма танга, эсдалик танга, шунингдек, стереотип, банкнота босма пластинка ва бошқалар киради.

Ғ. Олтин, кумуш, темир, қалай, қўрғошин, алюминий ва бошқа шунга ўхшаш металлардан ясалган талли/муҳрларга тахминан милoddан аввалги 1600 йил ва милodий 1949 йил оралиғида ишлаб чиқарилган барча турдаги пешлавҳа, талли, купон, қироллик муҳри, муҳр, қўкрак нишони ва бошқалар киради.

VII. Бамбук ва ёғоч маҳсулотлари

А. Бамбук, ёғоч, ротанг, ядро, калабаш, сумак ва бошқа шу каби материаллардан ясалган ҳайкалларга, асосан, эрамиздан аввалги 5000 йил ва милодий 1949 йил оралиғида ишлаб чиқарилган барча илоҳий ҳайкаллар, фигура, ҳайвон, Руйи-таёқ, муҳр, иш юритиш буюмлари (қалам, қалам ушлагич, қўлтиқтаёқ, қоғоз сақлагич, чўтка ювиш усқунаси), ўймалар ва бошқалар киради.

В. Ҳуангхуали ёғочи, падаук, венге, нанму ёғочи (форс садрлари), қора ёғоч, маун, лигнумвитае, камфора, қайрағоч, олха ва бошқа шунга ўхшаш ёғочлардан ясалган мебеллар, асосан, тахминан милоддан аввалги 1600 йил ва милодий 1949 йил оралиғида ишлаб чиқарилган барча турдаги стол, курси, суянчик, каравот, диван, сандиқ, шкаф, чойнак, қути, шкаф, кийим жавони, ширма ва уларнинг қисмларини ўз ичига олади.

С. Бамбук, ёғоч, калабаш, сумалак ва шунга ўхшаш бошқа материаллардан тайёрланган идишлар/аппаратларга асосан милоддан аввалги 5000 йил ва милодий 1949 йил оралиғидаги барча турдаги пиёла, кўза, қути, шиша, ликопча, қозон, Доу (озик-овқатлар солинган идиш), пиёла, Зун (вино қадаҳи), абатес, сават, ойнали кийиниш қутиси, елпиғич, тарок, нозик тишли тарок, чирок, лира, най, вертикал бамбук най, трубка, Се (25 торли горизонтал арфа), барабан, камон, ғилоф, қалқон, корслет, ёстиқ, арава, қайиқ, тахтиравон, иш юритиш буюмлари, муҳр, шахмат тахтаси, шахматчи, ўйинчок, қўғирчоқ, ниқоб, чекиш тўплами, ўлчов воситаси, ушлагич, «Гуан» ва «Гуо» (ички ва ташқи тобутлар) ва бошқалар киради.

Д. Бамбук, ёғоч, сумак ва бошқа шунга ўхшаш материаллардан тайёрланган архитектура компонентлар ва моделлари, асосан, тахминан милоддан аввалги 1600 йил ва милодий 1949 йил оралиғида ишлаб чиқарилган барча турдаги эшик, дераза, том тўсин, устун, пластинка, тўр, карниз, қушсимон шакл, шифт, панжара ва турли архитектура компонентлари ва моделларини ўз ичига олади.

VIII. Тери, мато ва ҳар хил турдаги органик моддалар

А. Тери, жун, шойи, пахта, зиғир ва бошқа ўсимлик толаларидан тикилган либослар, санъат ва ҳунармандчилик буюмлари, асосан, милоддан аввалги 5000 йил ва милодий 1966 йил оралиғида ишлаб чиқарилган барча турдаги пойабзал, шляпа, кийим-кечак, безак, кўрпа, байроқ, ниқоб, Тангка (Тибет расм чизиш санъати) ва бошқа аксессуарлар.

В. Ўсимлик толалари, тери ва бошқа шунга ўхшаш материаллардан ўрилган ва тикилган идишларга, асосан, тахминан милоддан аввалги 1600 йил ва милодий 1949 йил оралиғида ишлаб чиқарилган барча турдаги коса, қути, сумка, бочка (челак), соя қўғирчоғи, ўйинчок, арава, жабдуқлар, дастгоҳлар ва бошқалар киради.

С. Тери ва бошқа шунга ўхшаш материаллардан ясалган қурол ва аксессуарлар асосан милоддан аввалги 1600 йил ва милодий 1949 йил оралиғида

ишлаб чиқарилган барча турдаги қалқон, ҳимоя воситаси ва бошқаларни ўз ичига олади.

D. Кремний, қўрғошин, барий ва шунга ўхшаш бошқа материаллардан тайёрланган шиша/шиша буюмлари, асосан, тахминан милoddан аввалги 1100 йил ва милodий 1949 йил оралиғида ишлаб чиқарилган қувур, мунчок, қисқич, кулон, ҳалқа, пештахта, тасма пластинка, балдрик, шахмат доналари, чекиш тўплами ва бошқаларни ўз ичига олади.

IX. Суяк, тиш ва шох маҳсулотлари:

Ҳайвон суяги, фил суяги, хўкиз шохи, каркидон шохи, шох, калхат, моллюска ва шунга ўхшаш бошқа материаллардан тайёрланган маҳсулотлар, асосан, игна, найча, ҳалқа, най, ҳуштак, пичоқ, найза, Си (белкурак шаклидаги қишлоқ хўжалиги асбоби), тахминан милoddан аввалги 500 минг йил олдин ва милodий 1949 йил орасида ишлаб чиқарилган ўроқ, ханжар, тиф чиқаргич, ўқ учи, соч қисқичи, қути, коса, муҳр, иш юритиш буюмлари (қалам, қўлтиқтаёқ, қоғоз ва бошқалар), марка, танга, безак, безак мебеллари, ширма ва бошқалар.

Юқорида айтиб ўтилган маданий ёдгорликларга қўшимча равишда, қонуний ёки профессионал сабабларга кўра, қуйидаги Хитой маданий ёдгорликларига юридик ёки соҳага доир асосларга кўра шартномада белгиланган ёшнинг қуйи чегараси ўрнатилмайди:

I. Ўғирланган, яширин қазилган, ноқонуний равишда сотилган ва Хитой Халқ Республикаси чегарасидан олиб чиқиб кетилган Хитой маданий ёдгорликлари.

II. Ҳар қандай кўчмас маданий мерос объектлари ва ёдгорликлари ва уларнинг, девор расмлари, ўймакорлик, ҳайкалтарошлик ва бошқа ажралмас таркибий қисмлари.

**Ўзбекистон маданий бойликлари
ТОИФАЛАРИ**

А. Халқлар ҳаётидаги тарихий воқеалар, жамият ва давлат ривожланиши, фан ва техника тарихи билан боғлиқ бўлган, шунингдек, атоқли шахслар (давлат, сиёсий, жамоат арбоблари, мутафаккирлар, фан, адабиёт, санъат арбоблари) ҳаёти ва фаолиятига тааллуқли ашёлар;

В. Тарихий, бадий, илмий ва бошқа маданий қимматга эга бўлган қурулларнинг ҳар хил турлари;

С. Таркибида қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар бўлган бадий бойликлар;

Д. Археологик қазилмалар ёки археологик кашфиётлар ва топилмалар натижасида олинган ашёлар ва уларнинг парчалари, тупроқ намуналари, археологик, геологик ва бошқа намуналари;

Е. Ҳар қандай асосда ва ҳар қандай материаллардан бутунлай қўлда ишланган расмлар ва суратлар;

Ғ. Ҳар қандай материаллардан ишланган ва ҳайкалтарошлик асарлари, шу жумладан, бўртма расмлар;

Г. Ҳар қандай материаллардан ишланган асл бадий композициялар ва монтажлар;

Н. Сиғиниш мақсадидаги бадий безатилган ашёлар;

И. Этнографик объектлар;

Ж. Ўйма нақшлар, эстамплар, литографиялар, ксилографиялар, графиканинг бошқа турлари ва уларнинг оригинал босма шакллари;

К. Амалий-декоратив санъат асарлари (шиша, лой, ёғоч, металл, суяк, мато ва бошқа материаллардан ишланган бадий буюмлар);

Л. Анъанавий халқ бадий ҳунармандчилиги буюмлари;

М. Архитектура, тарих, бадий ёдгорликлар ва монументал санъат ёдгорликларининг таркибий қисмлари ва парчалари;

Н. Алоҳида ёки коллекциядаги қадимий китоблар, шунингдек, тарихий, илмий-бадий, адабий аҳамиятга эга бўлган матбаа асарлари;

О. Ноёб қўлёзмалар ва ҳужжатли ёдгорликлар, архив ҳужжатлари;

Р. Аудиовизуал асарлар, фонограммалар ва фотоматериаллар;

Қ. Муסיқа асбоблари;

Р. Филателия, нумизматика, фалеристика, бонистика, сфрагистика ашёлари ва бошқа коллекциялар;

С. Тангалар, орденлар, медаллар, муҳрлар, почта откриткалари (конвертлар) ва коллекциялашнинг бошқа ашёлари;

Т. Ноёб коллекциялар ва флора ҳамда фауна намуналари, илм-фаннинг минералогия, палеонтология, анатомия каби тармоқлари учун аҳамиятли бўлган ашёлар;

У. Маиший ва маданий аҳамиятга эга бўлган маиший ва илмий приборлар, асбоблар (соат, барометр, тарози, дурбин, фото-, киноаппаратлари, тикув машиналари ва шу кабилар);

V. Бошқа кўчар буюмлар, шу жумладан, тарихий, илмий-бадий ёки бошқа маданий аҳамиятга эга бўлган, шунингдек, давлат томонидан тарихий ва маданий ёдгорлик сифатида муҳофазага олинган нусхалар.

Эллик йил муқаддам ва ундан ҳам олдинроқ яратилган юқорида келтирилган маданий бойликлар Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиб кетилмайди.

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қозоғистон
Республикаси Ҳукумати ўртасида экология ва атроф-муҳитни
муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида
БИТИМ**

Тошкент, 2022 йил 22 декабрь

*Мазкур Битим Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2023 йил 17 мартда «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида»ги
ПҚ–97-сон қарори билан тасдиқланган*

*(Ўзбекистон Республикаси учун 2024 йил 20 ноябрдан
кучга кирган)*

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Қозоғистон Республикаси Ҳукумати, кейинги ўринларда Томонлар деб аталувчилар,

1997 йил 2 июнда имзоланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қозоғистон Республикаси Ҳукумати ўртасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланиш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Битимни тан олиб,

икки давлат ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш истагини билдирган ҳолда,

атроф-муҳит муҳофазаси ҳозирги ва келажак авлодлар соғлиги ва фаровонлиги учун зарурлигига ишонч билдирган ҳолда,

барқарор иқтисодий ривожланиш табиий ресурсларни экологик жиҳатдан оқилона бошқаришни талаб қилишини тан олган ҳолда;

Томонлар ўртасидаги ҳамкорлик икки давлатнинг глобал атроф-муҳитни сақлаш бўйича масъулияти нуқтаи назаридан ўзаро манфаатли ва муҳим эканлигини тўлиқ англаган ҳолда,

глобал атроф-муҳит муаммолари бўйича мос қарорлар қабул қилиш нуқтаи назаридан экологик сиёсат ва амалиётнинг муҳимлигини тан олиб,

барқарор ривожланиш тамойилларига асосланган иқтисодий ўсиш ва энг юқори турмуш даражасига эришиш устуворлигини инобатга олиб,

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда

Томонлар ўз давлатларининг қонунчилиги ва ўз давлатлари иштирокчи бўлган халқаро шартномаларга мувофиқ, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорлик асосида ҳамкорлик қиладилар.

2-модда

Томонлар ўртасидаги ҳамкорлик қуйидаги асосий йўналишларда амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами, 2024 й.

атмосфера ҳавоси ифлосланишининг олдини олиш ва назорат қилиш;
суб ифлосланишининг олдини олиш ва назорат қилиш, шу жумладан,
субнинг ифлосланиши билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар тўғрисидаги маълумотни ўзаро узатиш ва ифлосланишни бартараф этиш бўйича тезкор чоралар кўриш;

қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқариш, шу жумладан, уларнинг ноқонуний трансчегаравий олиб ўтилишини олдини олиш ва назорат қилиш;

хавфли чиқиндиларни бошқариш, шу жумладан, уларнинг ноқонуний трансчегаравий олиб ўтилишини олдини олиш;

биохилмаҳилликни сақлаш;

экологик деградациядан асраш ва қум бўронларининг олдини олиш;

ер ресурсларидан фойдаланишда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;

атроф-муҳитга таъсир қилувчи фавқулодда вазиятларга биргаликда чоралар кўриш;

атроф-муҳит ҳолати мониторинги, шу жумладан, биргаликда суб намуналари олиш, таҳлил қилиш ва суб сифати бўйича маълумот ҳамда меъёрий ҳужжатлар алмашинувини амалга ошириш;

иқлим ўзгаришига мослашиш;

атроф-муҳит мониторинги (Томонлар учун мақбул бўлган атроф-муҳит мониторинги қоидалари ва кўрсаткичлари, уларни таҳлил қилиш усуллари келиши) соҳасида қўшма илмий-тадқиқот фаолияти масалалари бўйича қўшма конференциялар, давра суҳбатлари, шунингдек, ишчи гуруҳлар учрашувлари ўтказиш;

экологик тоза ишлаб чиқариш технологияларини жорий этиш ва тарқатишга кўмаклашиш;

қўшма таълим дастурларини, илмий тадқиқотларни жорий этиш, шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида кадрлар тайёрлаш ва ҳамкорликдаги фаолият натижаларини оммалаштириш;

хавфли чиқиндиларни трансчегаравий олиб ўтиш ва уларни йўқ қилишда давлат назорати бўйича ўзаро ҳамкорлик;

Орол ҳавзасидаги экологик вазиятни яхшилаш бўйича қўшма чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

кўчиб юрвчи ҳайвонларни, шунингдек, Томонлар давлатларининг ҳудудида яшовчи ҳайвон турларини ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни мувофиқлаштириш;

ҳамкорликнинг Томонлар ўзаро келишган бошқа йўналишлари.

3-модда

Томонлар қуйидаги дастурларни биргаликда амалга ошириш учун устувор йўналишлар сифатида белгилайдилар:

Томонлар давлатларининг чегарадош ҳудудларида ўрмон массивларини тиклаш;

Қозғистон ва Ўзбекистоннинг чегарадош ҳудудларида тупроқ ва ўсимликлар қоплами деградациясига қарши курашиш;

атроф-муҳит ҳолати мониторингини ташкиллаштириш ва амалга ошириш.

4-модда

Томонлар ўз давлатларининг чегарадош ҳудудларидаги атроф-муҳит ҳолати тўғрисида маълумот алмашинуви регламентини ишлаб чиқадилар.

Томонлар атроф-муҳитга трансчегаравий таъсир кўрсатадиган фавқулодда вазиятлар тўғрисида ўзаро хабардор қилишнинг ишчи механизмини ишлаб чиқадилар.

Томонлар ўзаро ёрдам асосида бошқа Томон давлатининг атроф-муҳитига зарар етказувчи фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, шунингдек, атроф-муҳитга трансчегаравий таъсирни максимал даражада бартараф этиш ёки камайтириш бўйича зарур чоралар кўрадилар.

5-модда

Қуйидагилар Томонлар давлатларининг мазкур Битимни амалга ошириш бўйича фаолиятни мувофиқлаштиришга масъул бўлган ваколатли органлари ҳисобланадилар:

Ўзбек томонидан — Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси;

Қозоғистон томонидан — Қозоғистон Республикаси Экология, геология ва табиий ресурслар вазирлиги.

Бошқа ваколатли орган тайинланган тақдирда ёки Томонлар давлатларининг ваколатли органлари номланишида ўзгариш бўлса, Томонлар дарҳол бир-бирларини дипломатик каналлар орқали хабардор қиладилар.

Томонлар ўз фаолияти тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқиш ва мазкур Битимни амалга ошириш бўйича тегишли масалаларни ҳал этиш учун масъул бўлган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Қозоғистон қўшма комиссиясини тузадилар. Комиссия йиғилишлари йилига камида бир марта, навбати билан Томонлар давлатларининг ҳудудларида ўтказилади. Комиссия йиғилишининг қарорлари баённомалар билан расмийлаштирилади.

6-модда

Мазкур Битим Томонларнинг ўз давлатлари иштирокчи бўлган бошқа халқаро шартномалардан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларига дахл қилмайди.

7-модда

Томонлар мазкур Битимни амалга ошириш билан боғлиқ молиявий харажатларни ўз давлатларининг қонунчилигида назарда тутилган маблағлар доирасида мустақил равишда қоплайдилар.

8-модда

Томонларнинг келишувига кўра, мазкур Битимга унинг ажралмас қисм-

лари ҳисобланадиган ва алоҳида баённомалар билан расмийлаштириладиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

9-модда

Мазкур Битимни талқин қилиш ёки қўллашда низо ва келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, Томонлар уларни маслаҳатлашув ва музокаралар орқали ҳал қиладилар.

10-модда

Мазкур Битим Томонлар унинг кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички процедураларини бажарганлиги тўғрисида дипломатик каналлар орқали сўнгги ёзма хабарнома олинган санадан бошлаб кучга киради.

Мазкур Битим номуайян муддатга тузилади ва Томонлардан бири дипломатик каналлар орқали унинг амал қилиш муддатини тугатиш нияти тўғрисида бошқа Томоннинг ёзма хабарномасини олган санадан бошлаб олти (6) ой ўтгунга қадар ўз кучида қолади.

Тошкент шаҳрида 2022 йил 22 декабрда ҳар бири ўзбек, қozoқ ва рус тилларида бўлган икки нусхада тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

Мазкур Битим қоидаларини талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, Томонлар рус тилидаги матнга таянадилар.

(имзолар)

СОГЛАШЕНИЕ
между Правительством Республики Узбекистан и
Правительством Республики Казахстан о сотрудничестве
в области экологии и охраны окружающей среды

Ташкент, 22 декабря 2022 года

*Настоящее Соглашение утверждено постановлением
Президента Республики Узбекистан от 17 марта 2023 года № ПП–97
«Об утверждении международного договора»*

*(Вступило в силу для Республики Узбекистан
20 ноября 2024 года)*

Правительство Республики Узбекистан и Правительство Республики Казахстан, далее именуемые Сторонами,

признавая Соглашение между Правительством Республики Казахстан и Правительством Республики Узбекистан о сотрудничестве в области охраны окружающей среды и рационального природопользования от 2 июня 1997 года, выражая желание укреплять дружественные отношения между обоими государствами и развивать сотрудничество по охране окружающей среды,

будучи убежденными, что окружающая среда должна быть защищена для здоровья и благополучия настоящих и будущих поколений,

признавая, что устойчивое развитие экономики требует экологически обоснованного управления природными ресурсами,

полностью осознавая, что сотрудничество между Сторонами является взаимовыгодным и важным в свете ответственности двух государств за сохранение глобальной окружающей среды,

признавая важность экологической политики и практики с точки зрения принятия адекватных решений по глобальным проблемам окружающей среды,

учитывая первостепенность достижения экономического роста и более высокого стандарта уровня жизни, основанного на принципах устойчивого развития,

согласились о нижеследующем:

Статья 1

Стороны сотрудничают в области охраны окружающей среды на основе равенства и взаимной выгоды в соответствии с законодательствами и международными договорами, участниками которых являются их государства.

Статья 2

Сотрудничество Сторон осуществляется по следующим основным направлениям:

предупреждение и контроль загрязнения атмосферного воздуха;

предупреждение и контроль загрязнения воды, включая взаимную передачу информации о чрезвычайных ситуациях, связанных с загрязнением вод, и принятие срочных мер по устранению загрязнения;

управление твердыми бытовыми отходами, включая предупреждение и контроль за их незаконными трансграничными перемещениями;

управление опасными отходами, включая предупреждение их незаконного трансграничного перемещения;

сохранение биологического разнообразия;

охрана экосистем от деградации и предупреждение песчаных бурь;

охрана окружающей среды при использовании земельных ресурсов;

совместное реагирование на чрезвычайные ситуации, оказывающие воздействие на окружающую среду;

мониторинг состояния окружающей среды, включая осуществление совместного отбора проб воды, анализа и обмена данными по качеству воды и нормативными документами;

адаптация к изменению климата;

проведение совместных конференций, круглых столов, встреч, а также рабочих групп по вопросам совместной научно-исследовательской деятельности в области мониторинга окружающей среды (согласование приемлемых для Сторон правил и показателей мониторинга состояния окружающей среды и методик их анализа);

содействие внедрению и распространению экологически чистых технологий производства;

запуск совместных образовательных программ, научных исследований, а также подготовка кадров и популяризация результатов совместной деятельности в области окружающей среды;

взаимодействие в части государственного контроля за трансграничной перевозкой опасных отходов и их удалением;

разработка совместных мероприятий по улучшению экологической ситуации в Аральском бассейне;

координация мероприятий по охране мигрирующих животных, а также видов животных, обитающих на территориях государств Сторон;

иные направления сотрудничества, согласованные Сторонами.

Статья 3

Стороны в качестве приоритетных, для осуществления совместной разработки определяют следующие программы:

по организации восстановления лесных массивов на сопредельных территориях государств Сторон;

по борьбе с деградацией почв и растительного покрова сопредельных регионов Узбекистана и Казахстана;

по организации и осуществлению мониторинга состояния окружающей среды.

Статья 4

Стороны разработают регламент обмена информацией о состоянии окружающей среды на приграничных территориях государств Сторон.

Стороны создают рабочий механизм взаимного информирования о чрезвычайных ситуациях, оказывающих трансграничное воздействие на окружающую среду.

Стороны, на основе взаимной поддержки, принимают необходимые меры для предупреждения чрезвычайных ситуаций, наносящих вред окружающей среде государства другой Стороны, а также по максимальной ликвидации или сокращению трансграничного воздействия на окружающую среду.

Статья 5

Уполномоченными органами государств Сторон, ответственными за координацию деятельности по реализации настоящего Соглашения являются:

от узбекской стороны — Государственный комитет Республики Узбекистан по экологии и охране окружающей среды;

от казахстанской стороны — Министерство экологии, геологии и природных ресурсов Республики Казахстан.

В случае назначения других или изменения в названии уполномоченных органов государств Сторон, Стороны незамедлительно уведомляют друг друга по дипломатическим каналам.

Стороны создают узбекско-казахстанскую совместную комиссию по сотрудничеству в области охраны окружающей среды (далее — Комиссия), ответственную за разработку Положения о ее деятельности и решение соответствующих вопросов по реализации настоящего Соглашения. Заседания Комиссии проводятся не реже одного раза в год, поочередно на территориях государств Сторон. Решения Комиссии оформляются протоколами.

Статья 6

Настоящее Соглашение не затрагивает прав и обязательств Сторон, вытекающих из других международных договоров, участниками которых являются их государства.

Статья 7

Стороны самостоятельно несут финансовые расходы, связанные с реализацией настоящего Соглашения, в пределах средств, предусмотренных законодательствами своих государств.

Статья 8

По взаимному согласию Сторон, в настоящее Соглашение могут вноситься изменения и дополнения, являющиеся его неотъемлемыми частями и оформляемые отдельными протоколами.

Статья 9

В случае возникновения споров и разногласий при толковании или применении настоящего Соглашения, Стороны разрешают их путем консультаций и переговоров.

Статья 10

Настоящее Соглашение вступает в силу с даты получения по дипломатическим каналам последнего письменного уведомления о выполнении Сторонами внутригосударственных процедур, необходимых для его вступления в силу.

Настоящее Соглашение заключается на неопределенный срок и остается в силе до истечения 6 (шесть) месяцев с даты получения одной из Сторон по дипломатическим каналам письменного уведомления другой Стороны о намерении прекратить его действие.

Совершено в городе Ташкенте 22 декабря 2022 года в двух экземплярах, каждый на узбекском, казахском и русском языках, причем все тексты имеют одинаковую силу.

В случае разногласий в толковании положений настоящего Соглашения, Стороны будут руководствоваться текстом на русском языке.

(подписи)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Тожикистон
Республикаси Ҳукумати ўртасида давлат чегараларидан
ўтказиш пунктлари тўғрисидаги Битимга ўзгартиришлар ва
қўшимча киритиш ҳақида
БАЁННОМА**

Душанбе, 2024 йил 18 апрель

*Мазкур Баённома Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2024 йил 29 октябрда «Халқаро шартномани тасдиқлаш
тўғрисида»ги ПҚ–374-сон қарори билан тасдиқланган*

*(Ўзбекистон Республикаси учун 2024 йил 20 ноябрдан кучга кирган,
